

Ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни

**Фарду вокал ва чолғу ижрочилиги
кафедраси ўқитувчиси А.Эргашев**

Аннотация: Ушбу мақолада баркамол инсон этиб тарбиялашда мусиқий тарбияга урғу берилган. Халқ оғзаки ижодиёти ҳар бир халқнинг улкан маънавий бойлиги ҳисобланади. Оғзаки анъанадаги мусиқада мусиқа ижрочилиги анъаналари устоз-шоғирд муносабатлари орқали сақланиб ривож топади. Оммабоп мусиқанинг ҳозирги дунё маданиятида кенг ёйилишида, айниқса, оммавий ахборот воситалари радио, телевидение, овоз ёзиш ва тарқатиш аппаратлари граммофон, магнитофон ва бошқаларнинг кашф этилиши катта таъсир ўтказганлиги ҳақида фикр юритилади.

Таянч иборалар: Мусиқий таълим, кадрятлар, урф-одатлар, анъаналар, фольклор, ғоявий мазмун, тарбиявий таъсирчанлик, мусиқий эстетик тарбиянинг долзарблиги.

Мусиқа асарлари шундай улкан тарбиявий таъсир кучига эгаки, мусиқий оҳанглар силсиласида яшириниб ётган образлар тингловчининг ҳаёлида, ички руҳий кечинмалари ва тасаввурида қайта жонланиб, маънавий-ахлоқий ва эстетик камолотга эришишда катта ёрдам беради. Мазкур мусиқий асарларни талаба-ёшлар онгига етказишда ўзбек халқ чолғулари оркестри ўзига хос вазифани бажариб келмоқда.

Мусиқа асарларини хонанда ёки созанда томонидан бадиий талқинда ижро этилади. Мусиқа ижрочилиги вокал, чолғу ёки аралаш (вокал-чолғу), ижрочилар сонига кўра яккахон (якканавоз), ансамбль, оркестр, жамоа кўшиқчилиги ижрочилигига ажратилади. Ижрочининг услуги, унинг савияси, маҳоратига қараб асар мазмуни ижрочилик воситалари артикуляция, динамика, суръат ёрдамида турлича ифодаланиши мумкин. Асар яратилган давр ва композиторларнинг нафис қарашлари, бошқа ижрочиларнинг услубларини ўрганиш ҳамда бадиий ифода воситалари мусиқа безакларини ўз ўрнида қўллаш ижрочи учун муҳим аҳамиятга эга. Халқ мусиқа ижрочилигида

ижрочилар, асосан, ўзининг ички ҳиссиётлари, амалий тажриба ва хотирасига таянади. Оғзаки анъанадаги муסיқада муסיқа ижрочилиги анъаналари устоз-шогирд муносабатлари орқали сақланиб ривож топади, созанда ва хонандалар эса аруз, муסיқа илми, бастакорлик каби билим ва қоидаларга бўйсунди.

Мусулмон Шарқ мутафаккир ва муסיқашунослари Форобий, Ибн Сино, Исфохоний, Урмавий, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, Дарвешали Чангий муסיқа ижрочилиги масалаларига бағишлаб рисоалар ёзган. Муסיқа ижрочилигига оид афсона ва ривоятлар, аниқ қоидалар баён этишган. XX асрнинг бошларига қадар созандалар санъати муסיқа созларининг жўрликлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда, хусусан сарой шароитида фаолият кўрсатган.

Кейинчалик созандалар санъати муסיқа созларининг жўрликлари янги шарт-шароитларда мумтоз миллий муסיқа ижодиётини кенг тарғиб қилиш мақсадида қайта тузилган. Ўтмишда созандалар санъати муסיқа созларининг жўрликлари томонидан мақомлар яхлит туркум ҳолда ёки уларнинг алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула қисмлари ижро этилган. Бунда, жумладан, Шашмақомнинг Талқин, Наср, Савт каби шўьбаларини айтишга ихтисослашган хофизлар талқинхон, насрчи, савтхон деб юритилган. Уларга танбур, доира ёки ихчам чолғу ансамбли жўрлик қилган. Чунончи, XIX асрнинг охирида Бухорога мос созандалар санъати муסיқа асбобларининг жўрлиги таркибида, одатда, иккита танбур, дутор, қўбиз ёки сато, доира ва 2-3 нафар жўровоз хофизлар бўлган. 1920 йилларда ташкил топган Шарқ муסיқа мактабларида, Самарқанд муסיқа ва хореография институтида мақом ижрочилигидан сабоқ беришда Ота Жалол Носиров, Ота Гиёс Абдуғани, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Матёқуб Харратов каби йирик мақом устозлари хизмат қилганлар.

1927 йилда Ўзбекистон радиокомитети қошида халқ муסיқасини атоқли намоёндаси Юнус Ражабий раҳбарлигида миллий ансамбл ташкил этилган. Бунга ажойиб ўзбек ашуллачилари Домла Ҳалим Ибодов ва Мулла Тўйчи Тошмухамедовлар ҳам ансамбл таркибига кирганлар. Кенг кўламда халқ санъаткорларини жалб этган жамоалардан яна бири Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида ташкил этилган этнографик оркестр бўлган. Бу жамоага Тўхтасин Жалилов раҳбарлик қилган эди. Талабаларга асарлар мазмунини чуқур хис эттиришда куйларнинг жанри, шакли тўғрисида

маълумотлар беришда оммабоп музикаларнинг ҳам ўрни аҳамиятлидир. Оммабоп музика - бу кенг маънода энг машҳур музика асарлари ижрочилар дастуридан доимий ўрин олган турли жанр ва услуб намуналарини ўз ичига олган бўлиб унда халқ кўшиқлари ва куйлари, мумтоз композитор асарларидан иборат бўлади.

Оммабоп музика тарихий тушунча бўлиб XX аср маданиятида қарор топган музика туридир. Ёшлар музикаси, поп-музика, рок-музика, эстрада музикаси каби йўналишларни ўз ичига олади. Унинг ривож топишига дастлаб XX асрда юз берган ижтимоий масалан, урбанизация ва маънавий ҳаёт диний қарашларга нисбатан дунёвий мафкура кенг ёйилиши ўзгаришлари замин яратган. Натижада, шаҳар аҳолисида кескин кўпайган бўш вақтини тўлдириш мақсадида мунтазам равишда ўтказиладиган кўнгилочар томоша ва концертлар кенг ривожланган. Олдин шаҳар боғи ва хиёбонлари, ресторан (кабаре, кафешантан) ва бошқа жойларда, кейинчалик махсус қурилган театр ва сахналарда масалан, мюзик-холл, дискотекаларда фаолият кўрсатган янги бадиий жамоалар ижодида оммабоп музиканинг асосий жанр ва шакллари қарор топган. Оммабоп музиканинг ҳозирги дунё маданиятида кенг ёйилишида, айниқса, оммавий ахборот воситалари радио, телевидение, овоз ёзиш ва тарқатиш аппаратлари грамофон, магнитофон ва бошқаларнинг кашф этилиши катта таъсир ўтказган.

Оммабоп музика тингловчидан музика укуви, кенг бадиий тажриба, баъзида идрок этишда алоҳида аҳамиятни ҳам талаб этмайдиган намуналардан иборат бўлиб, улар шаклларнинг оддийлиги, музика тилининг байналмилал (универсал) оҳангларга яқинлиги, кўпроқ, рақсбоп усулларга мойиллиги билан ажралиб туради. Аммо, музика тилининг яғоналигидан завқу шавқ олаётганлар билан бир қаторда, минг афсуски, бу имкониятдан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган “ультра маданият”ли сиёсий кучлар ҳам бор. Уларни биз бугун “оммавий маданият”ни тарғиб қилаётган, миллий музика руҳини ўз домига тортиш йўли билан ёшлар онги ва қалбини захарлашга интилаётган ғайри инсоний, ахлоқсиз ва ёвуз ниятли музикавий тарғиботда яққол кўришимиз мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, айнан “оммавий маданият”нинг аниқ ватани ҳам, миллати ҳам йўқ. Чунки унинг “ижодкорлари” ўз олдиларига бу санъатнинг ривожини эмас, балки бутун дунёга ҳукмронлик қилишдек мантиқсиз мақсадларини

амалга оширишда унинг бекиёс имкониятларидан фойдаланишни асосий ўринга қўймоқдалар.

Шу боис бу маданиятни тури “Ғарб маданияти” номи билан юритилмоқда. Зеро, муסיқа ўз оҳанглари билан инсон қалбига тўғридан-тўғри кириб борадиган, унинг руҳияти ва кайфиятига тез ва кучли таъсир кўрсатадиган, ижтимоий фикрни уйғотиб ўзи ва бошқа одамларга нисбатан муносабатини теранлаштирадиган, янги орзу ва режалар сари ижодий интилишга куч-қудрат бағишлаб, фаол турмуш тарзи кечиришга ундайдиган, жисми ва руҳиятига ором бериб, маънавий маданиятини юксалтирадиган бекиёс илоҳий неъматдир. Буни ҳар тонг давлатимиз мадҳиясини эшитиб, унинг муסיқа ва матнини биргаликда такрорлаётган ҳар бир инсонда пайдо бўладиган руҳий кечинмаларда ёки спортчининг юксак ғалабаси шарафига давлат байроғи кўтарилиб, мадҳия янграй бошлаган вақтда кўзидан сизиб оқаётган қувонч ёшларини тия олмаслигида яққол кўриш мумкин. Инсоннинг кундалик хаёти фақат қувонч ва тантаналардан иборат эмас: ҳар бир киши турли хаёт завқи ва ташвишларини ўз бошидан мунтазам кечиради. У хаётнинг ташвишлари ва турмуш муаммолари гирдобига кириб қолганда ҳам энг яқин юпанч- бу, муסיқа бўла олади. Бир тасаввур қилинг: шундай нохуш ҳолатга тушиб қолган ҳар қандай киши энг қадимий муסיқа асбобларидан бири- найдан таралаётган “Чўли ироқ”ни эшитса, бир зум узоқ ўйга чўмади, бутун хаётининг мазмун ва моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилади, ўзини ҳозирда қийнаётган барча масалаларни унутиб, руҳан янгиланган, қайта уйғонгандек бўлади. Демак, муסיқа инсон қалбини очувчи асосий калит, унга ором берувчи энг муҳим воситадир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сонли қарори (Электрон ресурс) // www.uza.uz.
2. Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов). Хоразм муסיқий тарихчаси (араб алифбосида). – Москва, 1925.
3. Фитрат А. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи (араб алифбосида). – Самарқанд -Тошкент, 1927. – 80 б.; Фитрат А. Ўзбек муסיқаси тўғрисида // Аланга, 1928, № 2.

4. Зияева Д. Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б.370.
5. Ахмедов М.Ш. Народные музыканты в музыкальной культуре Узбекистана. Автореф. дисс... канд. искус. наук. – Ленинград, 1985.
6. Мехтар-ўз касбини пухта эгаллаган мусикачи-созанда. Акбаров И. Музыка луғати. – Т.: 1981. –Б.201.
7. Векслер С. М. История узбекской музыкальной культуры до великой октябрьской социалистической революции. Автореф. дисс... докт.. искус.. наук. – Ленинград, 1966. – С.25.
8. Нурмухамеджанов, А., & Рустамов, И. (2022). ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ, ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛЛАРИ ВА ОРКЕСТРЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 276-282.
9. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.
10. Шокиров, Т. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 353-359.
11. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.
12. Nurmatovich, S. T. (2021). Theoretical of national music culture fundamentals.
13. Mahmudovich, N. A. (2023). SOME ASPECTS OF THE CONCEPT OF SPIRITUAL RENEWAL IN UZBEKISTAN. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16, 46-5
14. Нурмухамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОЙИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
15. Ergashev, A. (2022). MUSIC EDUCATION IN FOREIGN COUNTRIES. *Science and Innovation*, 1(7), 262-265.

16. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022, June). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. In *Archive of Conferences* (pp. 245-248).
17. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248.
18. Mannopov, S., Karimov, A., Ataboeva, S., Ergashev, A., & Usmanova, S. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53-56.
19. Karimov, A., Mamaziyaev, K., Kholikova, G., Ergashev, A., & Kirgizov, I. (2021). Symbol Of Instruments In State Performance Served In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).
20. Ergashev, A. (2022). MUSIQA TA'LIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING O'RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 545-554.
21. Juramirzayev, A., & Ergashev, A. (2022). THE SCIENTIFIC AND CREATIVE ROLE OF THE PEOPLE'S ARTIST OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, PROFESSOR SULTANALI MANNOPOV IN THE PROMOTION OF THE UZBEK NATIONAL MUSICAL ART. *Science and innovation*, 1(B7), 121-125.
22. Ergashev, A. (2022). XORIJIY DAVLATLARDA MUSIQA TARBIYASI. *Science and innovation*, 1(C7), 262-265.
23. Ergashev, A., Ataboyeva, S., Djalalova, N., & Usmonova, S. (2021). THE ROLE OF COMPOSERY IN THE ART OF NATIONAL SINGING. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 863-867.
24. Муродова, Д. (2023). BO'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O'QITUVCHILARIDA BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING TAJRIBASINOV ISHLARI NATIJALARI VA UNI SAMARADORLIK DARAJASI. *Наука и инновация*, 1(7), 134-136.
25. Муродова, Д. (2023). ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ. *Наука и инновации*, 2(B5), 426-430.



26. Хожимаматов А. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРИБ БОРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. “JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN”. JURNALI VOLUME 1, ISSUE 2, 2023. JUNE 249-253 bet.
27. Achildiyeva, M. (2023). PATNISAKI ASHULANING IJTIMOIIY JARAYONDA FALSAFIY TARAQQIYOTI XUSUSIDA. *Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan*, 1(2), 254-266.
28. Achildiyeva, M. (2023). QADIMGI DAVR CHOLG ‘U SOZLARI VA ULARNING KELIB CHIQISHI. DENMARK” THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY”, 14(1).
29. Achildiyeva, M., & Mohinur, M. (2023). O ‘ZBEK SAN’ATINING ZABARDAST HOFIZI JO ‘RAXON SULTONOV. DENMARK” THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY”, 14(1).
30. Achildiyeva, M., & Sabina, B. (2023). ALISHER NAVOIY ASARLARIDA MUSIQIY ATAMALAR. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 494-498.
31. Achildiyeva, M., & Atkiyoyeva, R. (2023). O ‘ZBEK MILLIY BALETLARINING PSIXO-ESTETIK AHAMIYATI. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 485-489.
32. Ikromova, F. Y. Q., & Achildiyeva, M. (2023). XOR SAN’ATINING KELIB CHIQISH TARIXI, UNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O ‘RNI VA AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 320-325.
33. Achildiyeva, M., & Ikromova, F. (2022). THE USE OF MAQOM METHODS IN THE OPERA " LEYLI AND MAJNUN" BY REINGOLD GLIER AND TOLIBJON SODIKOV. *Science and Innovation*, 1(4), 23-28.
34. Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). PROBLEMS OF PERFORMING MUSICAL STAGE WORKS (ON THE EXAMPLE OF THE OEUVRE OF UZBEK COMPOSERS). *Science and Innovation*, 1(4), 29-33

35. Khojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). Look at the Polyphony and Theoretical Heritage of SI Taneev. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 8, 87-89.
36. Hojimamatov, A. (2022). CHANG CHOLG ‘USI TARIXIGA BIR NAZAR VA UNING ORNAMENTAL BEZAKLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 265-275.
37. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O‘QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
38. Namozova, D. (2022). BO‘LAJAK MUSIQA O ‘QITUVCHILARINING KREATIV KOMPETENTLIGINI MUSIQA TARIXI FANINI O ‘QITISH VOSITASIDA SHAKLLANTIRISH. *Science and innovation*, 1(B6), 942-950.
39. Sultonov, A. (2022). MUSIQIY IDROKKA TA‘SIR ETUVCHI TRANSFORMATSION TENDENSIYALARNI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 314-323.
40. D Namozova, Z Astanova, M Egamberdiyev APPROACH TO THE USE OF THE LIVES AND WORKS OF BLIND MENTOR ARTISTS IN EDUCATING YOUNG PERFORMERS (ON THE EXAMPLE OF RASULQORI MAMADALIYEV) *Science and innovation 2 (B4), 149-151*
41. Rustamov, I. (2022). DOYRA CHOLG‘USIDA IJROCHILIK MAHORATINI OSHIRISHDA QO‘LLANILADIGAN MASHQLAR MOHIYATI. *Science and innovation*, 1(B6), 456-460.
42. . Нурмухамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
43. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In *Archive of Conferences* (pp. 57-60).
44. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmuhammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing,

- Listening and Understanding Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
45. Ergashev, A. (2022). MUSIC EDUCATION IN FOREIGN COUNTRIES. *Science and Innovation*, 1(7), 262-265.
46. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022, June). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. In *Archive of Conferences* (pp. 245-248).
47. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248.
48. Mannopov, S., Karimov, A., Ataboeva, S., Ergashev, A., & Usmanova, S. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53-56.
49. Karimov, A., Mamaziyaev, K., Kholikova, G., Ergashev, A., & Kirgizov, I. (2021). Symbol Of Instruments In State Performance Served In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).

Research Science and Innovation House